

даврида ирригация ишлари яхши ривожланган бўлса, доимий қирғинбарот урушлар вақтида кўплаб сув ўтказгичлару, нахрлар вайрон этилди. Аммо, ушбу заминнинг табиий унумдорлиги, серхосиллиги, деҳқончиликка қулайлиги бу муммоларни тезда бартараф этиб, яна қишлоқ хўжалигини тикланишига олиб келди. Афсуски, қишлоқ хўжалигидаги ютуқлар XVIII-XIX асрларда кузатилган сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий қолоқликлар таъсирида

тезда йўққа чиқди. Чунки Ўрта Осиёнинг учта давлатида кузатилган тангликдан ўз манфаатлари учун ечим топган Россия империяси бу ҳудудни эгаллаш режасига киришган эди.

Асосий катта даромад эса бу ярим таййёр маҳсулотларни қайта ишлаб, таййёр маҳсулот ҳолида яна Ўрта Осиёга қайта сотаётган марказий республикалар ғазнасига тушаверди.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар:

1. Раззоқов А. Ўзбекистонда пахтачилик тарихи (ўтмиш ва ҳозир). – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1994. – Б. 35.
2. Раззоқов А. Ўзбекистонда пахтачилик тарихи (ўтмиш ва ҳозир). – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1994. – Б. 35.
3. Муравьев Н.Н. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819-1820 гг. гвардии генерального штаба капитана Николая Муравьева, посланного в сии страны для переговоров. Ч. 1-2. М.: В Типографии Августа Семена, 1822. 182 с.
4. Раззоқов А. Ўзбекистонда пахтачилик тарихи (ўтмиш ва ҳозир). – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1994. – Б. 54.
5. Юферов В.И. Хлопководство в Туркестане. – Л., 1925. – С. 72-73.
7. Шахназаров А.И. Сельское хозяйство Туркестана. М.: Тип. В. Киришбаума, 1908. 512 с.
8. Расулов А., Режаббоев Н. Туркистонда очларга ёрдам кўрсатиш комиссияси фаолияти. – Фарғона, 2012. – Б. 11-12.
9. <https://e-tarix.uz/vatan-tarixi/577-maqola.html> (Фойдаланилган сана: 12.01.2023)
10. Раззоқов А. Ўзбекистонда пахтачилик тарихи (ўтмиш ва ҳозир). – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1994. – Б. 78.
11. Раззоқов А. Ўзбекистонда пахтачилик тарихи (ўтмиш ва ҳозир). – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1994. – Б. 79.
12. УзССР Марказий Давлат архиви, 111-фонд, 1 - руйхат, 940 -иш, 123-варақ.
13. МЛИ Ўзбекистон филиали партия архиви 62-фонд, 1-рўйхат, 426-иш, 802-варақ.
14. Проблемы ирригации республик Средней Азии. – Тошкент, 1934. – Б. 6.

ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА САНОАТ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ВА СОҲАДА КЎП ТАРМОҚЛИ МУЛКЧИЛИК ШАКЛЛАРИНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ

Кадирова Яқитжан Бувабаевна,

Низомий номли Тошкент Давлат Педагогика Университети доценти

Аннотация: Мустақиллик арафасида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари саноатида бўҳронли ҳолатни кузатиш мумкин. Мустабид совет тузуми даврида hududlar саноати ўта биқик тарзда маълум бир йўналишлар асосида ривожланиб, ярим тайёр маҳсулотлар, яъни хомашёга дастлабки

ишлов беришга ихтисослашган эди. Асосан аграр ишлаб чиқаришга мослашганди. Бозор иқтисодиётига асосланган мулкчиликка хос кўп укладли тизимнинг шаклланиши, қолаверса, республикаимиз ҳукумати ва Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти ҳокимиятларининг ташаббуси билан

вилоятларда саноат корхоналарини кенг миқёсда барпо қилиш, саноатга чет эл инвестицияларини киритиш ҳамда шу орқали қўшма корхоналар, ўрта ва кичик корхоналарни шакллантириш борасида самарали силжишлар кўзга ташланди.

Калит сўзлар: саноат корхоналари, кўп укладли тизим, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуи, чет эл инвестициялари, Денов арок заводи, “Сурхон” комбинати.

Аннотация: Накануне независимости в промышленности Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областей наблюдается критическая ситуация. При советской власти промышленность регионов развивалась весьма специфически и специализировалась на полуфабрикатах, т. е. предварительной обработке сырья. В основном приспособлен для сельскохозяйственного производства. Формирование многоквартирной системы собственности, основанной на рыночной экономике, кроме того, создание крупных промышленных предприятий в регионах, внедрение иностранных инвестиций в промышленность и образование совместных предприятий, средних и малых предприятий. по инициативе правительства нашей республики и властей Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областей видно. выброшено

Ключевые слова: промышленные предприятия, многоузловая система, Кашкадарьинская и Сурхандарьинская области, Мубаракский газоперерабатывающий завод, Шуртанский газохимический комплекс, иностранные инвестиции, водочный завод Денов, комбинат «Сурхан».

Abstract: On the eve of independence, a critical situation can be observed in the industry of Kashkadarya and Surkhondarya regions. During the Soviet regime, the industry of the regions developed in a very specific way and specialized in semi-finished products, i.e. preliminary processing of raw materials. Mainly adapted to agricultural production. The formation of a multi-unit ownership system based on the market economy, in addition, the

establishment of industrial enterprises on a large scale in the regions, the introduction of foreign investments in the industry and the formation of joint ventures, medium and small enterprises with the initiative of the government of our republic and the authorities of Kashkadarya and Surkhondarya regions are visible. thrown away

Key words: industrial enterprises, multi-unit system, Kashkadarya and Surkhondarya regions, Mubarak gas processing plant, Shurtan gas-chemical complex, foreign investments, Denov vodka plant, "Surkhan" combine.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий бўлинишида салмоқли ўрин эгаллайди. Шунингдек, бу икки воҳа мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларидаги туб ўзгаришларда ўзининг муносиб ҳиссасига эга. Илмий тадқиқотларда тўғри таъкидлангандек, “Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари Сурхондарё ва Қашқадарёда кишлоқ хўжалиги билан бир қаторда саноатда ҳам ўзгаришлар каттадир”[1;Б.147].

Дарҳақиқат, иқтисодиётнинг негизи саноат ҳисобланади. 1992 йил декабрь ойи ҳолатига кўра, Қашқадарё вилоятида 14,1 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди[20;Б.12-16]. Бу 1991 йил шу даврга нисбатан 5,2 фоиз кўпдир. Бироқ вилоятдаги 36 та саноат корхонаси 1991 йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини камайтирди. Вилоят бўйича 11 ойда 34 маҳсулотнинг 23 тури бўйича ишлаб чиқариш ҳажми камайди[10].

Бозор иқтисодиётига асосланган мулкчиликка хос кўп укладли тизимнинг шаклланиши, қолаверса, республикамиз ҳукумати ва Сурхондарё вилояти ҳокимиятининг ташаббуси билан вилоятда саноат корхоналарини кенг миқёсда барпо қилиш, саноатга чет эл инвестицияларини киритиш ҳамда шу орқали қўшма корхоналар, ўрта ва кичик корхоналарни шакллантириш борасида самарали силжишлар кўзга ташланди. Шунинг таъкидлаш жоизки Сурхондарё вилояти ўз саноатининг ривожланиши жиҳатидан 1990 йилда республикада ўнинчи ўринда турар эди.

Бундай қолоқликни бартараф этиш учун эса аниқ чора-тадбирлар белгилаш зарурияти пайдо бўлди. 1992 йили саноатда ишлаб чиқариш суръати 92 фоизга пасайиб, ишлаб чиқариш ҳажми 318,5 млн. сўмга камайди. Вилоятдаги 92 та саноат корхоналаридан 34 тасида ўсиш суръати пасайган[10].

Қашқадарё вилоятида 28 та корхонада 1991 йилнинг шу даврига нисбатан 1992 йилда 900.000 сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилган[20;Б.12-16]. Айниқса, Қарши шаҳар қурилиш моллари ва конструкциялаш корхонаси, Қарши термопласт заводи, Китоб узумчилик, боғдорчилик ва деҳқон хўжаликлари маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириб юбордилар. Мўлжалланган капитал маблағлар ўзлаштирилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Сурхондарё саноатини ривожлантириш мақсадида хорижий сармоялар иштирокида 1993-1998 йилларда қуриладиган ва таъмирланадиган 20 дан ортиқ завод, фабрика ва кичик цехларни алоҳида лойиҳага киритди. Агар 1980 йилларда мавжуд пахта тозалаш заводларида “Меҳнат” машинаси ишлатилган бўлса, энди уларнинг ўрнини ЧХК машиналари эгаллаб, иш унумдорлиги ошиб, цехлардаги чанг миқдори ярмига камайди. “ВЦ-12” ва “УВЦ-12” русумли вентиляторлар ўрнатилиб, “ОВМ” ўрнини “ВТМ” механизмлари эгаллади. Тукли чигитни ушлаб қолиш мақсадида “РХ” механизми, аррали цехларда эса янги “Б-ЛП” шитерлари иш бошлаб, бажарилган ишлар ўз натижасини бериб, пахта тозалаш саноати бирлашмаси 1994 йилни муваффақиятли якунлаб, пахта тозалаш заводлари 131,6 минг тоннадан кўпроқ тола ишлаб чиқариб, режани 102,2 фоизга бажарди[17].

Сурхондарё вилояти ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришларни тадқиқ этишга бағишланган илмий ишларда кўрсатилишича, вилоятда тола ишлаб чиқариш ҳажми 1995 йилга нисбатан 3,7 фоизга кўпайди, момиқ тайрлаш ҳажми салкам 108 фоизга уддаланиб, 237 минг тонна чигит тайёрланди[2;Б.22].

Вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1994 йилга келиб, 1992-1993 йилга нисбатан 18 фоизга, халқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 19 фоизга кўпайди. Сурхондарё вилояти саноатида 1993 йил давомида 34 млрд. 421 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилганки, бу 1992 йилга нисбатан ўсиш суръатини 100,9 фоизга кўтарди[18].

Сурхондарё “Пахтасаноатсотиш” ҳиссдорлик бирлашмаси корхоналарининг жамоалари иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, жаҳон бозорида рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берди. 1994 йилда 131,6 минг тонна тола ва 6733 минг тонна момиқ ишлаб чиқарилиб, 11 млн. сўм фойда олинди, бу соҳада 1995 йилга нисбатан 11 баробар ўсишга эришилди. Лекин шунга қарамасдан, вилоят бўйича мавжуд бўлган 92 та саноат корхонасидан 31 тасида 1993 йилга келиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми камайганлиги кузатилди. Булар жумласига Термиз балиқ комбинати, Денов ароқ заводи, “Сурхон” комбинати, Сурхондарё шағал майдалаш заводи, Термиз, Денов, Қумқўрғон, Шеробод пахта заводлари ва бошқалар киради. Улар 1992-1993 йилга нисбатан 2,7 млрд. сўм маҳсулот кам ишлаб чиқарганлар[21;Б.21].

Бундай ҳолатни Қашқадарё вилояти мисолида ҳам кузатиш мумкин.

1995 йилга келиб, сўнгги 4 ой давомида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми вилоятда 49 та корхонада олдинги йилнинг шу даврига нисбатан 564 млн. сўмга камайди. Бу умумий маҳсулот ҳажмининг 4/1 га тўғри келади. Бундай ҳолатга сабабчи ташкилотлар “Дунё” ОХЖ-287,5 млн. Сўм, Қарши шаҳри қурилиш материаллари ва конструкциялаш корхонаси – 77 млн.сўм, Яккабоғ дон маҳсулотлари корхонаси – 57,8 млн.сўм, Қарши шаҳар гўшт комбинати – 28,1 млн.сўм, Қарши дон бирлашмаси – 13 млн.сўм, Шаҳрисабз шароб-ароқ заводи – 11,4 млн.сўм, Шаҳрисабз гўшт комбинати – 10,8 млн.сўм ва бошқалар[11].

Ана шундай шароитда халқ истеъмоли молларини, биринчи навбатда, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи янги

корхоналарни барпо этишга, ишлаб турган корхоналарни қайта жиҳозлашга, маҳсулот сифатини оширишга ҳаракат қилинди. Соҳани ҳукукий, иқтисодий, моддий жиҳатдан рағбатлантириб, қўллаб – қувватлашга киришилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатда асосий эътибор саноат корхоналарини хусусийлаштиришда миқдор кўрсаткичларига, яъни қанча корхона мулк шаклини ўзгартирганига қаратилган бўлса, 1995 йилдан бошлаб хусусийлаштиришнинг сифат кўрсаткичларига талаб кучайди. Бунда хусусийлаштирилган корхоналар, қандай шаклга кираётгани, улар нечоғлиқ самара бериб ишлаётгани ва иқтисодиётга қанчалик наф келтираётгани муҳим бўлиб қолди. Бу даврга келиб, саноат маҳсулоти ҳажмининг 50 фоиздан кўпроғи нодавлат секторининг ҳиссасига тўғри келди[3;Б.93-94]. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш улуши кўпайди, уларнинг кўпчилиги рақобатбардошли бўлиб қолди. Буларнинг барчаси иқтисодиётга сармоя киритиш шароитини ошганлиги ва сармоя ҳажмининг кўпайганлигидан эди.

Республикада аҳоли жон бошига 2600 сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқарилган. Айрим вилоятларда, жумладан, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида мазкур кўрсаткич 1082 ва 1235 сўмни ташкил этган. Бу вилоятларда пулнинг эмиссия даражаси ғоятда юқори эканлигини англатар эди. Бундан ташқари, хорижий сармоялар иштирокида тузилган қўшма корхоналар камлиги халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиб кетишга олиб келди. Шу боис, импорт ўрнини босувчи молларни ишлаб чиқарувчи янги корхоналар тузишга, мавжуд қувватларни қайта жиҳозлашга, тадбиркорликни рағбатлантиришга эътибор қаратилди.

Қашқадарё вилоятида 1996 йилнинг 1 ярим йиллигида 1995 йилнинг I ярим йиллигига нисбатан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 105,2, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 121, гўшт ишлаб чиқариш 100,1, сут ишлаб чиқариш 100,3 фоизни ташкил этди. 1996 йил I ярим йиллигида 56 та корхона давлат

тасарруфидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди[12].

Вилоятда мавжуд саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватини ошириш режалари ишлаб чиқилди. 1996 йилнинг I ярмида 14604,2 млн. сўмлик саноат моллари ишлаб чиқарилди. Бу 1995 йилнинг I ярмига нисбатан 105,2 фоиз кўпдир. Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг 30 фоизи нодавлат секторига тўғри келди[13].

Саноат корхоналарининг 30 тасида ёки 21,7 фоизда 180,7 млн.сўм саноат молларини ишлаб чиқариш камайтирилди[14]. Жумладан, Косон ёғ-экстракция хўжалик жамоаси 38 млн. сўмга (71,9 фоиз), Яккабоғ тикувчилик фабрикаси 58 млн. сўмга (88,2 фоиз), Қарши туманидаги “Балиқчилик” О.Х.Ж. 0,1 млн. сўмга (85,7 фоиз), Муборак газни қайта ишлаш заводи 81,5 млн. сўмга ёки 97,9 фоиз, Шаҳрисабз шароб-ароқ заводи 4,4 млн. сўм (89,6 фоиз) маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини камайтирган[16].

Ана шундай пайтда ўтган давр мобайнида миллий иқтисодиётни шакллантириш ва уни тубдан ислоҳ қилишга мамлакатимиз мустақил тараққиётининг энг муҳим омили сифатида қаралди. Шу боис, вилоятда аҳоли эҳтиёжини, биринчи навбатда, ёқилғи-энергетика ресурслари, истеъмол ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни қондиришдек долзарб ҳаётий вазифани бажаришга киришилди.

“Дарҳақиқат, мамлакат бўйича қазиб олинadиган табиий газнинг 88 фоизи, нефтнинг 92 фоизи Қашқадарё вилояти ҳиссасига тўғри келади. Толимаржон ГРЭСи, Муборакгаз, Шўртангаз, Кўкдумалоқ нефть кони ва бошқа иншоотлар Қашқадарё вилоятининг мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига қўшаётган жуда катта ҳиссасини кўрсатиб турибди” [5;Б.210-211].

Вилоятда 142 та йирик саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Муборак газни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуи, Косон ва Қарши ёғ-экстракция заводлари, Шаҳрисабз консерва заводи, пиллакашлик комбинати, Қарши тикувчилик фабрикаси шулар жумласидандир.

Ислохотлар туфайли мустақиллик йилларида республикаимиз ялпи ички

маҳсулотида саноатнинг улуши 11 фоиздан 25 фоизга, хизмат кўрсатиш улуши 18 фоиздан 42 фоизга ўсди. Қашқадарё вилоятида ҳам бу кўрсаткичларнинг ошганлиги диққатга сазовордир. Саноатнинг ўсиши ялпи ҳудудий маҳсулотларда 2000 йилда 18,6, 2006 йилда эса 31,7 фоизни ташкил этди[8;Б.32].

Қўшма 2006 йил маълумотлари таҳлили шуни кўрсатдики, вилоятда 1 триллион 838,4 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, 29 та корхона замонавий технологиялар билан қайта жиҳозланган. Вилоятда ёқилғи энергетика мажмуасига қарашли корхоналар жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Бунга бир қанча мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, Муборак нефть ва газ унитар шўъба корхонаси шимолий ўрта блокда нефть ва газни қазиб олиш бўйича Англиянинг “Бекир-Хьюст” компанияси ҳамда “Хавудак” конини ўзлаштириш бўйича “Итера” Россия-Англия қўшма компанияси билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Ғузор туманидаги “Шўртаннефтьгаз” унитар шўъба корхонасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 27 февралдаги 97-сонли қарорига асосан, Англиянинг “Тринит”, “Энерджи” компаниялари билан ҳамкорликда Ҳисоролди ҳудудида жойлашган нефть ва газ конларида қидурув ишлари олиб бориш мақсадида “ЎзПЭК Лимитед” қўшма корхонаси тузилди ва у самарали фаолият кўрсатмоқда[8;Б.32].

Шўртан газ-кимё мажмуаси қурилишида амалга оширилган ишлар кўламини аниқ тассаввур этиш учун қуйидаги рақамларни келтириб ўтиш ўринли бўлади. “Бу ерда 3,5 йил мобайнида 150 гектардан зиёд майдонда ҳар куни 1,5 мингдан ошиқ оғир техника, 7000 дан ортиқ ишчи ва мутахассислар ишлаганини, корхонанинг технологик асосини барпо этиш учун 657 млн.га яқин, инфратузилмалар учун эса 328 млн., жами бўлиб 985 млн. сал кам 1 млрд. АҚШ доллариға тенг иш ҳажми бажарилганлигини инобатга олсак, бу улкан қурилишнинг ҳақиқий миқёси ва манзараси кўз ўнгимизда яққол намоён бўлади. Янги аср

муъжизаси деб аташга муносиб бу улкан лойиҳани амалга оширишда АҚШнинг “Эй-Би-Би-Луммус Глобал”, “Хонивелл”, Германиянинг “Фмир”, “Эрмафа”, “Т+Г”, Япониянинг “Мицуи”, “Нисшоивай”, “Тойо Инжинеринг”, Франциянинг нефть институти, “Ипедекс”, Канаданинг “Нова Кемикалз”, Италиянинг “Ремко”, Россиянинг “Союзвнештранс”, “ВНИИГАЗ” ва бошқалар кўпдан-кўп хорижий фирма ва компаниялар ҳам салмоқли ҳисса қўшгани фикримиз тасдиғидир. Бу нодир иншоотни барпо этишда АҚШнинг “Эксамбанк”, “Чейз Манхеттен Банк”, Германиянинг “Каммерсбанк”, Япониянинг “Эксамбанк”, Франциянинг “Париба банк” сингари энг йирик ва нуфузли банк муассасалари, “Гермес” суғурта агентлиги ўз сармояси билан иштирок этганлиги, айниқса, диққатга сазовор” [4;Б.168-169].

2000 йил 1 апрель ҳолатига кўра, вилоятда 12475 та кичик ва ўрта бизнес корхоналари рўйхатдан ўтган. Шулардан 712 та ўрта корхоналар бўлиб, 1803 тасини кичик корхоналар ва 9960 тасини микрофирмалар, уларда ишловчилар сони эса 87,1 минг кишини ташкил этади[15].

Озиқ-овқат саноати тармоғига кирувчи корхоналардан Қарши ёғ-экстракция қўшма корхонаси 511 млн. сўм миқдоридаги замонавий технологик ускуналар билан қайта жиҳозланди. Хориж сармояси ва ўз маблағи ҳисобидан “Дунё-М” акциядорлик жамияти 75 млн. сўмлик замонавий ускуналар ўрнатди[8;Б.33].

2002 йил Қашқадарё вилоятида 39 та қўшма корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг 35 таси фаолият кўрсатган. 2003 йил биринчи апрель ҳолатига кўра саноат корхоналари томонидан 114,0 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва ўсиш даражаси 2002 йилнинг апрель ой ҳолатига мувофиқ, 120,1 фоизни ташкил қилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ёқилғи-энергетика, озиқ-овқат, енгил саноат соҳаларида юқори бўлди. Нодавлат мулкчилик шаклидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 83,3 млрд. сўмни ёки жами маҳсулот ҳажмининг 73 фоизига тўғри келди[19].

Сурхондарё вилояти мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, қуйидаги ҳолат юзага чиқади.

2002 йилда Сурхондарё иқтисодиётида ташкил топган кичик, хусусий ва қўшма корхоналарнинг ҳиссаси айниқса катта бўлди. Сурхондарёда 2700 та хусусий ва 700 тага яқин кичик корхоналар, ўнлаб хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда тузилган қўшма корхоналар нафақат вилоят аҳлининг талаб эҳтиёжлари учун, балки хорижий мамлакатларда ҳам ўз харидорини топа оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришдилар[7;Б.323].

Қашқадарёда ҳам хўжалик юритувчи субъектлар сони ўсди. 2003 йилда саноатда хўжалик юритувчи микрофирмалар сони 27 минг 192 та бўлган бўлса, 2006 йилга келиб 68 минг 596 тага етди, яъни 2,5 бараварга ўсди[19]. Натижада ялпи ички маҳсулот ҳажмида кичик бизнеснинг улуши 37,6 фоиздан 44,3 фоизга ошди.

“Шўртангазкимё” унитар шуъба корхоналари мамлакатимиз ёқилғи энергетика соҳасида етакчи ўрин эгаллайди. Улар орасида 2 та ўзбек-швейцария қўшма корхонаси: “Кўкдумалоқ” ва “Ҳисорнефтьгаз” ҳам бор. Булардан ташқари, Қарши шаҳрида “Каштекс” мажмуаси (ҳозир Cotton Road), Шаҳрисабзда “Оқсарой – тўқимачи ЛТД” ўзбек-япон-турк, Яккабоғда “Яккабоғтекс” ўзбек-немис қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда[8;Б.15-16].

Айни пайтда, Ўзбекистонда индустриянинг барча тармоқларида ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саноат йўли билан қайта ишловда йирик корхоналар вужудга келди. Кичик ва ўрта корхоналар ўртасидаги рақобат кучайиб маҳсулотлар сифати ошиб бормоқда.

Кўриниб турибдики, мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари бўлмиш Қашқадарё ва Сурхондарёнинг ижтимоий, иқтисодий ҳамда қишлоқ хўжалигида катта ўзгаришлар амалга оширилган. Бу янгиликлар, биринчидан жамият тизимида юзага келиб, энг аввало, бу мулкчилик шакллариининг ўзгаришида, хусусий мулкнинг кўпайиб боришида кўзга ташланади[9;Б.179-195].

Юқорида келтирилган далил ва рақамлар республикаимиз жанубий вилоятларида саноат ва бошқа соҳалардаги ривожланиш намоён бўлмоқда. Бироқ, биз тадқиқ этаётган соҳаларда қатор камчиликлар ҳам мавжуд бўлиб, булар фуқароларнинг бандлиги, ижтимоий ҳимояси, таълим соҳасида, аҳолини ичимлик суви ва газ билан таъминлаш борасидаги муаммолардир. Мазкур муаммоларнинг келиб чиқишига эътибор берадиган бўлсак, биринчидан, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишда бозор шарт-шароитларини ҳисобга олмаслик оқибатида корхона маблағларининг аксарият қисми тайёр маҳсулот қолдиғи сифатида захираларда қолиб кетган, иккинчидан, маҳсулот ва хомашё етказиб бериш учун тузилган хўжалик шартномаларида кўрсатилган шартларнинг бажарилмаслиги ҳам охир-оқибатда корхоналар молиявий ҳолатининг ёмонлашувига олиб келган.

2009 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,0 фоизга кўпайди, қишлоқ хўжалигидаги ўсиш 5/7 фоизни ташкил этди, чакана савдо айланмаси 16,6 фоиз, аҳолига хизмат кўрсатиш 12,9 фоизга ошди[6;Б.49-50].

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида истиқлол йилларида саноатда олиб борилган ислохотлар таҳлили қуйидаги хулосаларга олиб келди:

- саноатда корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш ишлари олиб борилди. Бозорга сифатли ва харидоргир маҳсулотлар етказиб бериш имконияти кенгайди. Бунда бирорта ҳам зарар билан ишлайдиган ёки иқтисодий ночор корхоналар бўлмаслиги эътиборга олинди. Ишлаб чиқаришда рақобат муҳитини яратишга ҳаракат қилинди. Савдо ва аҳолига пуллик хизматни ривожлантириш билан пул айланмасини тартибга солиш, касса интизомини мустаҳкамлаш чоралари кўрилди;

- солиқ тўловларининг доимийлиги ва тўлаллигини таъминлаш ҳисобига бюджет харажатларини ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолиятини

ривожлантириш мақсадида хорижий кредит линияларини жалб этиш ва банк кредитлари улушини кўпайтириш билан бу

корхоналарнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириб боришга эришилди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Эргашева Ж.Ш. Қашқадарё саноатининг барпо этилиши ва ривожланиш тарихи: янгича таҳлил ва ҳулосалар (1920-1970 йиллар) Тарих фан.ном. ...дисс. – Тошкент: 1998. – Б. 147.
2. Рахимов Б. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти. (Сурхондарё вилояти мисолида 1991-2005 й.й.). тарих фан.ном. ...дисс. автореф. – Тошкент: ЎЗМУ 2008. – Б.22.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий юксалиш йўлида. Т.5. – Тошкент: 1997. – Б. 93-94.
4. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун кўрашмоқ керак. Т.10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б. 168-169.
5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б. 210-211.
6. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш. Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 49-50.
7. Турсунов С. ва б. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 323.
8. Қашқадарё вилояти истиклол йилларида (Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” рисоласидан келиб чиққан ҳолда, вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожига бир назар) / Муаллиф гуруҳи раҳбари А.Эркаев. – Тошкент: Маънавият, 2007. – Б. 15-16, 33-33.
9. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ислохотларини чуқурлаштириш ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент: Ўқитувчи, 1998. – Б. 179-195.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архивининг Қашқадарё вилояти филиали жорий архиви. 829-жамғарма. 1-рўйхат. 56-йиғма жилд. 106-варақ.
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архивининг Қашқадарё вилояти филиали жорий архиви. 829-жамғарма. 3-рўйхат. 32-йиғма жилд.
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архивининг Қашқадарё вилояти филиали жорий архиви. 829-жамғарма. 4-рўйхат. 36-йиғма жилд. 52-варақ
13. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архивининг Қашқадарё вилояти филиали жорий архиви. 829-жамғарма. 4-рўйхат. 36-йиғма жилд. 53-варақ
14. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архивининг Қашқадарё вилояти филиали жорий архиви. 829-жамғарма. 4-рўйхат. 36-йиғма жилд. 5-варақ.
15. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архивининг Қашқадарё вилояти филиали жорий архиви. 829-жамғарма. 10-рўйхат. 94-йиғма жилд. 45-варақ.
16. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Қашқадарё вилояти бошқармаси маълумоти.
17. Сурхондарё вилояти давлат архиви 95-ж. Л-р. 115 м. 26-варақ.
18. Сурхон тонги. 1994 йил, 22 январь.
19. Қашқадарё. 2003 йил 26 февраль.
20. Қашқадарё вилояти Халқ депутатлари Кенгаши XXI чақириқ XV сессияси баёни. 4-жилд. – Б. 12-16.
21. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. – Термиз: 1993. – Б.21.